

ҳақида қайғурадиган инвесторлар биргаликда “яшил” сукук бўйича кенг инвесторлар базасини ташкил қиласди. Тобора кўпроқ мамлакатлар иқлим ўзгариши масалалари соҳасидаги ўз мажбуриятларини қўллаб қувватловчи сиёсий чора-тадбирларга айлантиргани, рентабелли лойиҳалар сони ортиб боргани сайин “Яшил” сукук анъанавий молиялаштириш усулларининг кенг тарқалган муқобили сифатида ўз ўрнини эгаллаши кутилмоқда. Ўзбекистон ҳозирги вақтда “яшил” облигациялар бозорида ёки исломий капитал бозорларида иштирок этмаётганини ҳамда халқаро инвесторларни жалб қилишга ва ўзининг капитал бозорларини диверсификациялашга интилаётганини инобатга олсақ, “яшил” сукук чиқарилиши инвесторларнинг янги тоифаси билан ҳамкорлик қилишда ва хорижий ҳамда маҳаллий капитални йўналтиришни рафбатлантиришда ҳал қилувчи қадам бўлади. Илк “яшил” сукук чиқарилиши мамлакатнинг содиқлигини ва глобал ислом молияси бозорида, шунингдек “яшил” облигациялар бозорида иштирокини кўрсатиб, бозорга кучли туртки беради. Суверен “яшил” сукук чиқарилиши ҳукуматнинг ушбу соҳага эътибор қаратишини ва уни қўллаб-қувватлашини яққол намойиш қиласди, инвесторларни “яшил” инвестиция киритиш стратегияси доирасида капитални қўйишга рафбатлантириш учун салмоқли миқдорда ликвид активлар борлигини таъминлайди, шунингдек, корпоратив эмитентлар учун бозорга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ҲҚБА (2018 йил). “Яшил” облигациялар тамойиллари – “Яшил” облигацияларни чиқариш жараёни учун ихтиёрий асосий кўрсатмалар.
2. Жаҳон банки (2019 йил). Исломий “яшил” молиялаштириш – Ривожланиш, экотизим ва истиқболлар
3. Ўзбекистонда яшил сукукни жорий қилишнинг бирламчи техникиктиносидий асослари (2019) <https://www.undp.org/policy-centre/istanbul/publications/pre-feasibility-study-green-sukuk-issuance-republic-uzbekistan>
4. “Ўзбекистон иссиқхона газлари чиқаришни камайтириш мажбуриятларини орттириди” (<https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/04/climate-change/>)

ЎЗБЕКИСТОН- 2030 СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА БАНКЛАРНИНГ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Азларова Азиза Ахроровна
ТДИУ “Банк иши”кафедраси профессори
и.ф.н., проф.*


Мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг оммабоплиги ва рақобатбардошлигини оширишга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам тегишли устувор мақсад ва вазифалар белгиланган. Хусусан, биринчи

мақсад сифатида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробар ошириш режалаштирилган.

Ривожланган мамлакатларнинг илфор тажрибаси асосида банк тизимиға рақамли каналларни банк хизматлари оммаболигини кенгайтиришнинг самарали йўли сифатида жорий этилди ва бу жараён ҳозирда таокмиллаштириб борилмоқда. Ҳозирги босқичда, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш жадаллашган.

Республикамизда 2024 йил якунлари бўйича, иқтисодиётга ажратилган жами кредитлар 2023 йилга нисбатан 14,3 фоизга ошиб, 287 трлн сўмни ташкил этган. Бунда аҳолига берилган кредитлар 3,8 фоизга ошган (автокредитлар ажратилиши 2,1 баробарга камайган). Автокредитларни ҳисобга олмагандага аҳолига ўтган йилга нисбатан 36,6 фоизга кўпроқ кредит ажратилган. Натижада иқтисодиётдаги жами кредит қўйилмалари қолдиғи 566 трлн сўмга етиб, бунда миллий валютадаги кредитлар қолдиғи 19 фоизга ошган. (1-расм).

Иқтисодиётга ажратилган кредитлар



2-расм. Иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳақида маълумот⁸⁶

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш орқали аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган ортиқча юкламалардан озод қилиш орқали маъмурий юкни бартараф этишга эришиш чораларини кўриш

⁸⁶ <https://cbu.uz/upload/iblock/87c/34cw885z4n3q9lpdk3pxthulwwrndgy/Matbuot-anzhumanis-23.01.2025.pdf>

зарур;

Тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш, бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар ошириш лозим;

Банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда, қатор тижорат банкларида давлат улушкини камайтириш;

Ўзбекистоннинг атроф-муҳитга заарар келтирмайдиган худудлари аҳолиси учун яхшиланган ва арzon турмуш шароитларини таъминлаш мақсадида, яшил кредитлашнинг жорий этилиши лозим. Натижада Ўзбекистон аҳолиси ўртасида энергия тежамкор ва кам углеродли уйжойларга талабнинг ошишига олиб келади.

Банк хизматлари бозорига янги финтех компанияларини кириб келишига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобига инновацион онлайн рақамли хизматларни ривожлантириш лозим;

Тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий воситаларни кенг қўллаш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини, ислом молиясини ривожлантириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш;

Банк ходимлари малакасини ва стрессга чидамлилигини ошириш, банкларда ходимларни бошқаришда KPI мезонлари асосида уларнинг фаолиятини баҳолашни ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш

Умуман олганда, ЎЗБЕКИСТОН- 2030 Стратегияси доирасида банкларнинг устивор вазифалари сифатида банк хизматлари оммаболигини ошириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг кредит ва тўлов ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали аҳоли фаровонлиги, молиявий тизим ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда мамлакатда яширин иқтисодиёт улушкининг қисқаришига хизмат қиласи.

IQTISODIYOTDA YASHIL MOLIYALASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI

*Risqibekova Nozimaxon
TDIU, Moliya va moliyaviy texnologiyalar
kafedrasи assistenti*

Yashil iqtisodiyot ekologik va iqtisodiy adolat tamoyillarini hurmat qiladigan barqaror rivojlanishning muhim jihatiga aylanmoqda. Iqtisodiyotini modernizatsiya qilishga intilayotgan O'zbekiston uchun yashil iqtisodiyot tamoyillarini joriy etish barqaror kelajak yaratish yo'lidagi asosiy qadamdir.